

Аудиторский отчёт
по финансовой отчетности
АО «O'ZBEKISTON SHAMPANI»
за период с 01.01.2019 г. по 31.12.2019 г.

05 июня 2020 г.

ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ
«O'ZBEKISTON SHAMPANI» АЖ (адресат) реквизитлари:

№ 57

Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, С.Машхадий кўчаси 186-уй; СТИР-200547738; Тошкент ш. “Даврбанк”
М.Улугбек филиали; МФО-010752; х/р: 2021 0000 0004 3048 2001.

“OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

100000, Тошкент ш. Юнусобод т., А.Темур 1-тор кўчаси 2-уй, Tel: 236-11-60, 236-24-32, osiyo-audit@mail.ru,
серия АФ № 00817-сонли 17.04.2019 йилдаги Молия Вазирлиги томонидан берилган барча хўжалик
юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш лицензияси; 11.08.1998 йилдаги 517-сонли
гувоҳнома, АТИБ Ипотекабанк Мехнат бўлими х/р 20208000503945832001, СТИР 202629997, МФО 00423.

MChJ “OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти аудитори, директор - Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги томонидан 08 январь 2008 йилда берилган № 04504-сонли аудитор малака сертификатига эга
Исмаилов Адилбек Матчанович.

Мен MChJ “OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти а аудитори «O'ZBEKISTON SHAMPANI» АЖ нинг
“Бухгалтерия баланси”-1-шакл, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”-2-шакл, Тушунтириш хатидан
иборат 2019 йил (1 январдан 31 декабргача) ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини 29.05.2020
йилдаги 57-шартнома асосида мажбурий аудит текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

«O'ZBEKISTON SHAMPANI» АЖ нинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига
мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун
жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

MChJ “OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига
асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «O'ZBEKISTON SHAMPANI» АЖ илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан
ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик
жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини
баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу
стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга
бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни
ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги
тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «O'ZBEKISTON SHAMPANI» АЖ нинг молиявий
ҳисоботи 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг
молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия
ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Директор

Аудитор

2020 йил “04” июн

А.Исмаилов

А.Исмаилов

